

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЮСУПОВ АЗАМАТ ФАРХАДОВИЧ

**ЁШГА БОҒЛИҚ МАКУЛЯР ДЕГЕНЕРАЦИЯ КАСАЛЛИГИДА
КЎЗНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ҲОЛАТИНИ КОМПЛЕКС БАҲОЛАШ
ВА ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИНИ ТАНЛАШ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (Dsc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Юсупов Азамат Фархадович

Ёшга боғлиқ макуляр дегенерация касаллигида
кўзнинг функционал ҳолатини комплекс баҳолаш
ва даволаш тактикасини танлаш..... 3

Юсупов Азамат Фархадович

Комплексная оценка функционального состояния глаза
при возрастной макулярной дегенерации
и выбор тактики лечения..... 27

Yusupov Azamat Farkhadovich

A complex assessment of the functional
condition of the eye and option of treatment
in age-related macular degeneration..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 56

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЮСУПОВ АЗАМАТ ФАРХАДОВИЧ

**ЁШГА БОҒЛИҚ МАКУЛЯР ДЕГЕНЕРАЦИЯ КАСАЛЛИГИДА
КЎЗНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ҲОЛАТИНИ КОМПЛЕКС БАҲОЛАШ
ВА ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИНИ ТАНЛАШ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2017.3.DSc/Tib196 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертациянинг автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdsi.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Билалов Эркин Назимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Столяренко Георгий Евгеньевич (Россия)
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Юсупов Амин Азизович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Икрамов Азизбек Фозилович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Клиника «HanGil Eye Hospital»
Сеул, Жанубий Корея

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент ш., Яшнабод тумани, Махтумкули кўчаси 103 уй. Тел./факс: +998(71) 230-20-65; +998(71) 230-47-99, e-mail: tdsi2016@mail.ru.)

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнабод тумани, Махтумкули кўчаси 103 уй. Тел.: +998(71) 230-20-65.)

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.А. Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Л.Э. Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Х.М. Камиллов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Замонавий демографик йўналишларда ёшга боғлиқ макуляр дегенерация (ЁБМД) кўплаб тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига жалб қиладиган муҳим тиббий-ижтимоий муаммо бўлиб келмоқда. Охирги йилларда кузатилаётган ушбу патология нафақат кекса ёшдаги, балки ўрта ёшли беморлар сонининг тўхтовсиз ўсиб бориши билан боғлиқ ҳолда содир бўлмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра ЁБМД туфайли кўрлик 8,7% гача тарқалганлиги билан кўриш бузилишининг глобал сабаблари орасида учинчи ўринни эгаллайди¹. 2020 йилга келиб бутун дунёда ЁБМДдан азият чекаётган кишилар сони 196 миллионга етиши, 2040 йилда 288 миллиондан ортиши ва уларнинг 60%ида ҳар иккала кўз зарарланиши кутилмоқда. Бу ҳолат меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган ёшдаги шахсларнинг 11%и ва кексайган беморларнинг 28%ини бирламчи ногиронликка олиб келиши мумкинлигидан далолат беради.²

Жаҳонда ЁБМД ташхиси, даволаш ва профилактикаси сифатини оширишга йўналтирилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, касалликнинг келиб чиқиш сабабларини эрта аниқлаш; касаллик ривожланишига олиб келувчи эндоген ва экзоген омилларини салбий таъсирини комплекс тадқиқ этиш; ЁБМД касаллигининг эрта ташхислаш клиник мезонларини такомиллаштириш; касалликнинг эрта босқичларида самарадорлиги юқори бўлган ва кейинги босқичларга ўтиш суръатини секинлаштирадиган консерватив даво усулларини такомиллаштириш; касалликнинг кечки босқичларида даволашнинг фармакоиктисодий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ва шу билан бирга самарадорлиги юқори бўлган даво усулларини оптимал белгилаш ҳамда касалликнинг турли хил шаклларида индивидуал ёндашувни ҳисобга олиб даволаш усулларини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз аҳолининг турли қатламлари орасида амалий тиббиёт офтальмологик касалликларини эрта ташхислаш ва даволашга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”га мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш борасидаги муҳим вазифалар сирасига турли касалликларни ташхислаш ва самарали даволашга тизимли ёндашиш орқали даволашнинг юқори самарадорлигини таъминлаш, касалликларни олдини олиш, ташхислаш, самарали даволашда замонавий технологиялардан фойдаланиш, юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий хизмат тизимини шакллантириш борасидаги вазифаларнинг аниқ механизмлари ишлаб чиқилганлигини киритиш мумкин³. Шундан келиб чиқан ҳолда ЁБМД касаллигида кўзнинг функционал ҳолатини комплекс баҳолаш ва даволаш тактикасини танлаш юзасидан самарали таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

¹ ЖССТ маълумотлари 2014 йил.

² Wong WL, Su X, Li X, Cheung CMG, Klein R, Cheng C-Y, et al. Global prevalence of age-related macular degeneration and disease burden projection for 2020 and 2040: a systematic review and meta-analysis. // The Lancet Global Health. 2014; Vol. 2, N2. P 106-116.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 24 февралдаги «Аҳолининг ҳожатманд катламларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2499-сонли қарори, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони, 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда муайян даражада амалий хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мувофиқлиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁴. ЁБМДнинг этиологияси, ташхисоти ва даволаш муаммосига бағишланган илмий-тадқиқот ишлари жаҳоннинг бир қатор етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, The Center for Value-Based Medicine (АҚШ); Institute of Neuropathology, University of Göttingen Germany (Германия); Westmead Hospital (Австралия); King's College Hospital (Англия, Буюк Британия); Higher Medical School of Ehime (Япония); Medical Center Tel-Aviv Sourasky (Исроил); Netherlands Institute for Neuroscience, Royal Netherlands Academy of Arts and Sciences (Голландия); В.П.Филатов номли Кўз касалликлари ва тўқима терапияси институти (Украина); Н.И.Пирогов номли Россия миллий давлат тиббиёт университети (Россия); “Кўз микрохирургияси” Соҳалараро илмий-техник комплекс (Россия); Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Ёшга боғлиқ макуляар дегенерация ташхисоти ва даволаш самарадорлигини оширишга қаратилган усулларни такомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқотлар натижасида қатор илмий натижалар олинган, жумладан, нейротроп препаратлар билан консерватив даволашда тўр пардада эркин радикалли реакциялар чегараланиши исботланган (The Center for Value-Based Medicine (АҚШ)); про- ва антиангиоген молекулаларнинг дисбаланси неоваскуляризация ривожланишига олиб келиши исботланган (Institute of Neuropathology, University of Göttingen Germany (Германия)); антивазопролифератив терапия фонида фоторецептор қават баландлиги пасайиши ва неоваскуляризация майдони кичрайишининг ижобий ўзгариш суръати, тўр парда марказий қисми функционал фаоллиги ортисининг аниқланиши исботланган (Westmead Hospital (Австралия)); транспупилляр термотерапия (ТТТ) таъсири остида хориоидал қаватнинг меланини томонидан ютилган иссиқлик туфайли субретинал неоваскуляар мембрананинг термик шикастланишига олиб келиши исботланган (King's College

⁴ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <http://www.medline.ru>, www.medscape.com/ophthalmology, <http://www.visionscience.com>, <http://www.retina.org/retina>, <http://www.rsl.ru>, <http://www.nlr.ru>, <http://www.elibrary.ru>, <http://medlib.ws>, <http://www.medlit.ru>, <http://www.ufaeyeinstitute.ru>, <http://www.rmj.ru>, <http://www.ophthal.org>, <http://www.bjophthalmol.com>, <http://www.djo.harvard.edu>, <http://www.retinajournal.com>, <http://www.eyeworld.org>, <http://www.aoj.org>, <http://www.webofscience.com>, <http://www.cehjournal.org>, <http://www.pubmed.com>, <http://www.meajo.org> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

Hospital (Англия, Буюк Британия)); хориоидея меланомасини даволашда ТТТ самарадорлиги экспериментал асосланган (Higher Medical School of Ehime (Япония)); ЁБМД давосида уйғунлашган усуллар анча самарали ва иқтисодий устунликка эга бўлиб, ангиогенез ингибиторлари монотерапиясига солиштирганда анча кам инъекциялар сони талаб этилиши исботланган (Medical Center Tel-Aviv Sourasky (Исроил)); неоваскуляр ЁБМД давосида ранибизумаб препаратига дексаметазон препаратини қўшиб қўллаш юқори самарадорликка олиб келиши экспериментал асосланган (Netherlands Institute for Neuroscience, Royal Netherlands Academy of Arts and Sciences (Голландия)); ЁБМД кечки босқичларида ТТТни хирургик эксцизия билан бирга қўллаш самарадорлиги исботланган (В.П.Филатов номли Кўз касалликлари ва тўқима терапияси институти (Украина)); ЁБМД ноэкссудатив шаклида тўр пардада алмашинув жараёнларини нормаллаштириш ва макуляр соҳада қон айланишини яхшилаш учун диодли инфрақизил лазернинг кичик энергияси билан ретиналамин препаратини бирга қўллаш самарадорлиги исботланган (Н.И.Пирогов номли Россия миллий давлат тиббиёт университети (Россия)); марказий хориоретинал дистрофия давосида ксенотрансплантатни қўллаш самарадорлиги экспериментал исботланган (Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон)).

Дунё миқёсида ЁБМДни ташхислаш ва даволашга тизимли ёндашувнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан, ЁБМДни юзага келтирувчи хавф омилларини тизимлаштириш тартибини ишлаб чиқиш; ЁБМД ривожланишида эндоген омилларнинг таъсирини асослаш; ЁБМДнинг эрта ташхисот мезонлари тизимини ишлаб чиқиш; касалликни ташхислашда морфометрик, электрофизиологик кўрсаткичлардан фойдаланиш тартибини асослаш; ноэкссудатив ЁБМДда клиник-функционал ва юқори технологияли инструментал текширувлар кўрсаткичлари асосида даволаш тизимини такомиллаштириш; экссудатив ЁБМДни замонавий ва иқтисодий афзал шу билан бирга юқори самарали даволаш усулларини ишлаб чиқиш.

Муамонинг ўрганилганлик даражаси. Кейинги йилларда дунёда ЁБМД учраш частотасининг ортишга мойиллиги кузатилмоқда. Соҳа тадқиқотчилари касалликнинг этиологияси ва ривожланиш хавфи омилларини ўрганишга ҳаракат қилишмоқда; ЁБМД пациентларининг ташхисот ва даволаш усуллари такомиллаштирилмоқда (Wong T. Y., Tikellis G., 2007; WinkJer B.S., Boulton M.E., Gottsch J.D., 2008; Т.Н. Кисилева, Е.С. Либман, Е.В. Шахова, 2009; Chakravarthy U., Fletcher A., Schachat A.P., Leske M.C., Martin D.F., Ying G.S., 2010; Johnson L.V., Herrmann R, 2011; Jaffe G.J., Grunwald J.E., Ferris F.L. 2012; Ю. С. Астахов, Н. В. Морозова, С. С. Флоренцева, 2013; М.М. Бикбов, Р.Р. Файзрахманов, 2015; П.М. Шахабутдинова, Р.В. Гайбарян, 2017). Т.Н. Киселеванинг (2007) ишларида ноэкссудатив ЁБМДни комплекс даволашда вазоактив препаратларнинг самарадорлиги баҳоланган. А.Г. Щуко (2009) ишларида олдинги ишемик нейропатияни даволашда ТТТ самарадорлиги исботланган. И.Б. Алексеев (2010) глаукомали оптик нейропатияни ТТТ қўллаш билан даволаш самарадорлигини баҳолаган. Р.Р. Файзрахманов (2015) ЁБМД да хориоидал неоваскуляризациянинг турли типлари билан касалланган пациентларни даволаш ва ташхислаш чоратадбирларини тизимлаштирди. Р.В. Гайбарян (2017) ЁБМДда ангиогенез

ингибиторини юборишнинг қайишқоқ ташувчида орқа тенон қавати ости бўшлиғига таъсирини клиник-экспериментал текширувдан ўтказди.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам бу йўналишда қатор тадқиқотлар ўтказилган. Хусусан, кўз ишемик синдромининг этиологияси ва кечиш хусусиятларини аниқлаш бўйича Бахритдинова Ф.А. (2011), Касьмова М.С., Махкамова Д.К. (2013); тўр парданинг дистрофик касалликлари бўйича Урманова Ф.М. (2008) ишида марказий хориоретинал дистрофияни даволашда ксенотрансплантат қўллашга асосланган. Янгиева Н.Р. (2013) тадқиқотларида ЁБМДни комплекс консерватив даволаш самарадорлиги ўрганилган ва баҳоланган. Даволашнинг лазерли усулларини қўллашга доир қатор ишлар яратилган, шу жумладан, Миррахимова С.Ш. (2017) неоваскуляр глаукомани комплекс даволашда фотодинамик терапия қўллашни таклиф қилган; Нарзикулова К.И. (2018) кўз юзасининг яллиғланиш касалликларида айна методикани қўллаган.

Кўп сонли илмий-тадқиқот ишлари яратилганлигига қарамасдан соҳага оид қатор илмий-амалий муаммолар янги тадқиқот ишлари учун объект бўлиб қолмоқда. Ҳаммабоп адабиётларда ЁБМД ривожланишининг хавф омилларини аниқлаш бўйича кам сонли нашрлар учрайди. Хусусан, уйқу артерияларининг ҳолати ва қон айланишини текшириш, шунингдек ЁБМДнинг турли шаклларида кўз томирлари билан ўзаро боғлиқлигини; ноэкссудатив ЁБМДни даволашда қўлланиладиган қатор усуллар патогенезининг бир нечта омиллардан биттасига бир томонлама таъсири туфайли юзага келувчи камчиликларни даволаш самарадорлиги етарли эмаслиги кабилар. Бунга боғлиқ ҳолда бир вақтнинг ўзида ноэкссудатив ЁБМД патогенезининг турли бўғинига таъсир қилувчи даволашнинг янги усул ва воситаларини излаш ниҳоятда долзарб илмий муаммо эканлиги англашилади.

Кўп сонли нашрларда экссудатив ЁБМДнинг асосий замонавий даво усули сифатида – ангиогенез ингибиторларини интравитреал юбориш кўрсатилган. Муайян ютуқларга қарамасдан бу усул қатор камчиликларга эга: биринчидан, нафақат антивазопролифератив давога дифференциаллашган ёндашиш, балки хороидал неоваскуляризация (ХНВ)нинг мембрана ўлчами, унинг тўр парда фовеоляр зонаси ва пигментли эпителийсига нисбатан жойлашуви каби айрим морфологик хусусиятлари ҳам ўтказилган терапия самарадорлигига таъсир қилса, иккинчидан, инъекцияларни ҳар ой такрорлаш зарурати ва шунинг учун асоратлари ва ножўя таъсирларининг хавфи юқорилиги; учинчидан, препаратнинг нархи қимматлиги каби омиллар даволашнинг бошқа – юқори самарадорлик ва кам иқтисодий сарф-ҳаражатларга эга бўлган усулларини излаш ва аниқлаш зарурлигини асослайди. Шу сабабли, лазерли ва консерватив таъсир усулларини ўз ичига олган даволашнинг самарали, патогенетик мақсадга қаратилган, комплекс усулларини ишлаб чиқиш истиқболи порлоқ йўналиш ҳисобланади. Ўзбекистонда шу вақтгача экссудатив ЁБМДни даволашда ТТТ – минимал бўсаға ости даражадаги лазерли нурланиш энергияси антивазопролифератив терапия билан биргаликда таъсирини ўрганишга бағишланган махсус тадқиқот иши яратилган эмас. Замонавий босқичда ТТТни ангиогенез ингибиторларини интравитреал юбориш билан бирга уйғунлашган даволашни ишлаб чиқиш; даволашнинг истиқболли усулларини амалиётга тадбиқ қилиш ва республикаимизда ЁБМДдан азият чекаётган кўп сонли беморларга тезроқ самарали тиббий ёрдам кўрсатиш зарурлиги ушбу тадқиқот ишимизнинг долзарблигини асослайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси-нинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент тиббиёт академияси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Янги дори шакллари ишлаб чиқиш ва офтальмологик амалиётга тадбиқ қилиш билан баъзи бир кўз касалликларининг ташхисот ва даволаш усулларини такомиллаштириш” мавзуси бўйича бажарилди (2015-2018 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади. Дифференциал ёндашув билан комплекс ташхислаш ва оптимал даволаш тактикасини ишлаб чиқиш орқали ёшга боғлиқ макуляр дегенерациянинг даволаш самарадорлигини ошириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

уйқу артериялари ва кўз магистрал томирларида қон оқимининг ҳолатини, шунингдек уларнинг ЁБМД ривожланишида ўзаро боғлиқлиги ва аҳамиятини аниқлаш.

ноэксудатив ЁБМДни даволаш схемасига медотилин препаратини кўшишнинг мақсадга мувофиқлигини асослаш ва унинг клиник самарадорлигини кўриш фаолиятлари, кўзнинг гемодинамикаси ва тўр парданинг электрогенези маълумотлари бўйича баҳолаш.

эксудатив ЁБМД фонидаги хориоидал неоваскуляризациянинг турли типларида кўз фаолияти кўрсаткичлари, тўр парданинг морфометрик ва ангиографик текшируви маълумотлари бўйича тўр парданинг марказий соҳаси дистрофик жараёнларига ТТТ ва луцентис препарати монотерапиясининг алоҳида таъсир самарадорлигини таҳлил қилиш.

эксудатив ЁБМДда ТТТ ва антивазопролифератив терапия уйғунлашган даво усулини ишлаб чиқиш ва ушбу даво усули самарадорлигини кўзнинг клинко-функционал кўрсаткичлари ҳамда визуал параметрларининг ўзгариш динамикаси асосида ўрганиш.

ЁБМДда таклиф қилинган даволаш алгоритмининг иқтисодий самарадорлигини ва бунда беморлар ҳаёт тарзи сифатининг ўзгариш динамикасини баҳолаш.

ЁБМДнинг турли шакллари даволашда ишлаб чиқилган даволаш алгоритмини амалий офтальмологияга тадбиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 20 нафар (40 та кўз) соғлом кўнгиллилар ва 225 нафар (270 та кўз) ЁБМД билан касалланган беморлар. Шулардан 75 нафари (120 та кўз) касалликнинг ноэксудатив шакли ва 150 нафари (150 та кўз) эксудатив шакли билан касалланган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети: ЁБМД билан касалланган беморларнинг клинко-функционал ва инструментал текширув натижалари.

Тадқиқот усуллари. Умумофтальмологик (визиометрия, тонометрия, биомикроскопия, офтальмоскопия, компьютерли периметрия) ва махсус (оптик когерент томография (ОКТ), флуоресцент ангиография (ФАГ), электроретинография (ЭРГ), ультратовушли доплерография (УТДГ), рангли доплер картирлаш (РДК)) ва статистик тадқиқот усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ультратовуш доплерография маълумотлари асосида ёшга боғлиқ макуляр дегенерациянинг ривожланиши уйқу артерияларидаги патологик ўзгаришлар ва кўз томирларида қон оқими бузилиш даражаси билан боғлиқлиги аниқланган;

кўз томирларидаги қон оқими ва тўр парданинг электрогенез ҳолати бўйича ноэкссудатив ёшга боғлиқ макуляр дегенерацияда вазоактив ва нейротроп препаратларнинг буюришини белгиловчи кўз фаолиятининг бузилиш мезонлари аниқланган.

ноэкссудатив ёшга боғлиқ макуляр дегенерация ривожланиши хавфини камайтирувчи ва кўриш фаолиятини оширувчи касалликнинг комплекс давосида илк бор қўлланилган медотилин препаратининг самарадорлиги кўзнинг клинко-функционал, электроретинография ва кўз гемодинамикаси кўрсаткичлари асосида исботланган;

экссудатив ёшга боғлиқ макуляр дегенерацияни даволашда транспупилляр термотерапия ва ангиогенез ингибитори – луцентис препаратини алоҳида таъсири кўриш фаолияти, оптик когерент томография ва флуоресцент ангиография кўрсаткичлари асосида исботланган.

экссудатив ёшга боғлиқ макуляр дегенерацияни даволашда антивазопролифератив хусусиятини ошириш ва иқтисодий сарф-ҳаражатларни камайтириш мақсадида илк бор ишлатилган уйғунлашган даво самарадорлиги кўзнинг клинко-функционал, оптик когерент томография ва флуоресцент ангиография кўрсаткичлари асосида исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

кўз фаолияти, гемодинамикаси ва электрогенези кўрсаткичларининг яхшиланишига ёрдам берадиган ноэкссудатив ёшга боғлиқ макуляр дегенерациянинг медотилин препарати билан комплекс медикаментоз даво усули ишлаб чиқилган.

оптик когерент томография ва флуоресцент ангиография текширувлари визуал параметрлари асосида тасдиқланган неоваскуляр мембрана фаоллигини инактивация қилувчи, юқори антивазопролифератив ва фармакоиқтисодий самарадорликка эга бўлган экссудатив ёшга боғлиқ макуляр дегенерациянинг уйғунлашган даво усули ишлаб чиқилган.

хориоидал неоваскуляризациянинг типига кўра экссудатив ёшга боғлиқ макуляр дегенерация билан касалланган беморларни давосида янги истиқболли йўналиш ҳисобланган даволаш алгоритми ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда назарий ёндашув ва асосланган усулларнинг қўлланганлиги; беморлар сонининг етарлилиги ва текширувларда замонавий, бир-бирини тўлдирадиган клинко-функционал, ультратовушли, электрофизиологик ва статистик усулларни қўллашда олинган натижаларни мамлакатимиз ва хорижий тадқиқотларнинг маълумотлари ҳамда ваколат берилган структуралар томонидан тасдиқланган маълумотлар билан қиёсий ўрганилган ва якуний натижалар асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ёшга боғлиқ макуляр дегенерациянинг ривожланиши уйқу артерияларининг патологик ўзгаришлари ва кўзнинг магистрал томирларида қон оқими кўрсаткичлари ёмонлашуви даражаси билан боғлиқлиги, ноэкссудатив ёшга боғлиқ макуляр дегенерацияда дистрофик жараёнларнинг ривожланиш профилактикасида ишлатиладиган медотилин препаратининг хусусиятлари, яъни синаптик трансмиссия ва тўр парда нейронли

мембранасининг пластиклигига ижобий таъсир қилувчи восита сифатида қаралиши, экссудатив ёшга боғлиқ макуляр дегенерацияда транспупилляр термотерапия билан луцентис препаратининг интравитреал юбориш уйғунлашган давоси натижасида тўр пардадаги неоваскуляр мембрана активлигини инактивация қилиш белгиларининг асослангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти замонавий диагностик текширувларга асосланганлиги, ёшга боғлиқ макуляр дегенерация касаллигининг ноэкссудатив шаклида медотилин препарати, экссудатив шаклида эса уйғунлашган даво усули қўлланилиши, кассаликнинг даволаш самарадорлигини оширувчи, иқтисодий сарф-ҳаражатларни қисқартирувчи ва беморларнинг ҳаёт тарзи сифатини яхшиловчи даволаш алгоритми ишлаб чиқилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ёшга боғлиқ макуляр дегенерация касаллигида кўзнинг функционал ҳолатини комплекс баҳолаш ва даволаш тактикасини танлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Ёшга боғлиқ экссудатив макуляр дегенерацияни даволаш усули” мавзусидаги услубий қўлланма тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 3 октябрдаги 8н-р/143-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма ёшга боғлиқ макуляр дегенерация касаллиги экссудатив шакли ташхисини оптик-когерент томография ва флуоресцент ангиография каби инструментал текширувларини қўллаш орқали такомиллаштириш ва бунинг натижасида хориоидал неоваскуляризациянинг типларини бир-биридан қиёсий фарқлаш имконини беради;

экссудатив ёшга боғлиқ макуляр дегенерация фонида кечувчи хориоидал неоваскуляризациянинг турли типларига қараб дифференциал даволашнинг бир неча усуллари услубий қўлланма доирасида соғлиқни сақлаш тизимида жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 21 декабрдаги 8н-д/69-сон хулосаси). Транспупилляр термотерапияни хориоидал неоваскуляризациянинг яширин типиди, ангиогенез ингибиторини классик ва аралаш типиди қўллаш орқали ушбу касалликлар билан касалланган беморларнинг даволаш самарадорлигини ошириш имконини берди;

турли шаклдаги ёшга боғлиқ макуляр дегенерациянинг патогенезини бир неча омилларарига таъсирини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган даволаш алгоритми соғлиқни сақлаш тизимида жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 21 декабрдаги 8н-д/69-сон хулосаси). Нейротроп ва маҳаллий қон айланишини яхшиловчи препаратни касалликнинг ноэкссудатив шаклида, уйғунлашган давони экссудатив шаклида қўллаш орқали даволаш самарадорлигини ошириш ва иқтисодий сарф-ҳаражатни камайтириш имконини берди.

Ёшга боғлиқ макуляр дегенерация касаллиги даволашини такомиллаштиришга қаратилган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд давлат тиббиёт институтининг 1-клиникаси, Республика клиник офтальмологик шифохонаси ва Тошкент тиббиёт академияси 2-клиникаси амалиётига жорий қилинди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 21 декабрдаги 8н-д/69-сон ва 2018 йил 6 апрельдаги 8 н-з/44-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши ёшга боғлиқ макуляр дегенерация касаллигини даволаш самарадорлигини 40%га

яхшилаш ҳамда иқтисодий сарф-ҳаражатни 2 маротаба қисқартириш, бу эса ўз навбатида беморларни кўриш фаолияти кўрсаткичларини 30%га яхшиланишини таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг нашр қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 27 та илмий иш, жумладан: Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, шундан, 7 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, беш боб, хотима, умумий хулосалар, амалий тавсиялар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 168 бетни ташкил қилади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган; тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ҳамда мавзуси шакллантирилган; тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган; ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган; илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, нашр қилинган ишлар тўғрисидаги маълумотлар ва диссертация ишининг тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Ёшга боғлиқ макуляр дегенерация: муаммонинг замонавий ҳолати”** деб номланган биринчи бобида ЁБМД муаммосининг замонавий ҳолати, этиологияси, ташхисоти ва беморларни даволаш масалаларига бағишланган адабиётлар шарҳи, касаллик кечимининг клиник хусусиятлари ёритилган. ЁБМДни медикаментоз, лазерли ва жарроҳлик усулда даволаш натижалари, ТТТнинг офтальмологиядаги роли ва ўрни, шунингдек комплекс ва комбинациялашган даволашнинг замонавий кўринишлари ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг иккинчи, **“Ёшга боғлиқ макуляр дегенерацияни ташхислаш ва даволаш механизмининг материал ва усуллари”** бобида тадқиқот материали ва тадқиқот усуллари тавсифланган. Ишнинг асосига “SINAT КО‘Z” кўз клиникасида 2009 йилдан 2016 йилгача даволанган ЁБМД билан касалланган 225 нафар бемор (270 та кўз) (75 нафар бемор (120 та кўз) ЁБМДнинг ноэкссудатив шакли ва 150 нафар бемор (150 та кўз) ЁБМДнинг экссудатив шаклига чалинган)ларнинг текширув ва даволаш натижалари қамраб олинган.


Беморларнинг жинси бўйича тақсимланиши куйидагича: 148 нафар (66%) аёллар, 77 нафар (34%) эркаклар. Беморларнинг ёши 45 ёшдан 80 ёшгача. Ўртача ёш $67,1 \pm 3,4$ ёшни ташкил қилди (1-расм). Ҳамроҳ касалликлардан атеросклероз – 61,1%, гипертония касаллиги – 48,9%, юракнинг ишемик касаллиги – 40,9%, дисциркулятор энцефалопатия – 28,9%, семизлик – 26,2% беморларда аниқладик.



1-расм. ЁБМД билан касалланган беморларнинг жинси ва ёши бўйича тақсимланиши

Қўйилган вазифаларни бажаришда ЁБМД билан касалланган беморлардан иккита катта кузатув гуруҳи яратилди (2-расм). “А” гуруҳ – ЁБМДнинг эрта белгилари бор ва географик атрофияли ноэкссудатив ЁБМД билан касалланган беморлар ва “Б” гуруҳ – экссудатив ЁБМД билан касалланган беморлар.

Таклиф қилинган даво схемасининг самарадорлигини ўрганиш учун ЁБМДнинг ноэкссудатив ва экссудатив шакллари бир неча кичик гуруҳларга бўлинди.



2-расм. Тадқиқот дизайни

Ноэкссудатив ЁБМДнинг назорат гуруҳига стандарт консерватив даво (антиоксидантлар – эмоксипин 1% 1,0 мл парабульбар 10 кун давомида, лютеин тутувчи препарат – лютеин форте 1 капсуладан кунига 2 марта 30 кун давомида ва ноотропил 20% – 10,0 мл т/и томчилаб) тайинланди ва асосий гуруҳга худди шу препаратлар, фақат ноотропил ўрнига медотилин (холин альфосцерат) препарати 4,0 мл м/о 10 кун давомида тайинланди. Медотилин – янги нейротроп препарат ва

марказий таъсир қилувчи холиномиметик бўлиб, таркибида фаол модда – холин альфосцерат тутади. Халқаро номи: холин альфосцерат. Медотилин ампулаларда 4,0 мл дан чиқарилади, таркибида 1000 мг холин альфосцерат (гидрат шаклида) сақлайди. Медотилин препаратининг қўллаш учун кўрсатмаларида ундан офтальмологик амалиётда фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилмаган. Шунга қарамасдан адабиётларда холин альфосцератдан кўзнинг бошқа касалликларини даволашда қўлланилганлиги ҳақида айрим ишлар аниқланди⁵. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда ЎзР ССВнинг миллий этика қўмитаси (қарор №6, 25.08.2012 й.) кўзнинг дегенератив ва дистрофик касалликлари билан касалланган беморларнинг чегараланган контингентида медотилин препарати билан клиник тадқиқот ўтказишни маъқуллаган.

Экссудатив ЁБМД билан касалланган беморларни тақлиф қилинган даво схемасининг самарадорлигини ўрганиш мақсадида 3 та клиник гуруҳга ажратдик:

I гуруҳга лазерли даво – бир марталик ТТТ сеанси монотерапия кўринишида тайинланди;

II гуруҳга антивазопролифератив терапия 3+PRN (1 ойлик интервал билан 3 марта + “зарурат бўлганда”) схемаси бўйича тайинланди;

III гуруҳга уйғунлашган даво – бир сеанс ТТТ + 10 кундан кейин антивазопролифератив терапия 1+PRN (1 марта + “зарурат бўлганда”) схемаси бўйича тайинланди.

Беморларнинг комплекс офтальмологик текшируви халқаро стандартларга мос келувчи кўзнинг клиник-функционал текширув усулларида иборат бўлди. Махсус текширув усуллари қуйидаги аппаратларда ўтказилди: ОКТ – Cirrus HD-OCT 500 (Германия), ФАГ – рақамли мидриатик фундус-камера – Kowa VX-10 (Япония), ЭРГ – “Электроретинограф” (МБН, Россия) электрофизиологик ташхисот комплекси, дуплекс сканирлаш ва рангли доплер карталаштириш – кўп функцияли ультратовушли ташхисот асбоби – SonoAce R7 (Samsung Medison Co., LTD., Корея Республикаси).

Ангиогенез ингибитори сифатида луцентис (“Novartis”, Швейцария) препарати ишлатилди. Халқаро патентланмаган номи: ранибизумаб.

ТТТ ўтказиш учун катта (3 мм гача) ёруғлик доғини ҳосил қиладиган узлуксиз лазерли нурлантириш режимига эга бўлган диодли офтальмокоагулятор “Oculight SLX 810 нм” (“IRIDEX”, АҚШ) дан фойдаландик.

Олинган натижаларга Microsoft Office Excel 2016 дастури ёрдамида тавсифий статистика усулидан фойдаланган ҳолда статистик ишлов берилди.

Диссертациянинг учинчи, **“Ёшга боғлиқ макуляр дегенерация билан касалланган беморларда уйқу артериялари ва кўз томирларининг ҳолатини ўрганиш”** бобида уйқу артерияларидаги қон оқимининг хусусиятларини ва унинг ЁБМДда кўз гемодинамикасининг бузилиши билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш натижаларининг тўлиқ баёни келтирилган.

ЁБМДнинг эрта белгилари намоён бўлган беморларда ички уйқу артерияси (ИУА) ультратовуш текшируви натижасида 48% ҳолатда қон оқимининг тезлашиши гемодинамик аҳамиятга эга белгиларсиз турли кўринишдаги

⁵ Азнаурян И.Э. - Эффективность альфосцерата холина в лечении амблиопии. // Международная конференция «Современные вопросы реабилитации в медицине». Узбекистан-Россия, 2007. С. 147-148.

деформациялари аниқланди. Географик атрофияли беморлар гуруҳида ИУАнинг патологик букилиши 64%, неоваскуляр ЁБМД гуруҳида эса 60% ҳолатда кузатилди. ЁБМД билан касалланган беморларда ИУА патологик букилишининг учрашиш частотаси куйидагича аниқланди: энг кўп географик атрофия гуруҳида – назорат гуруҳига қараганда 3,1 нисбатда, неоваскуляр ЁБМДда бу кўрсаткич 2,6 ни ташкил қилди, ЁБМДнинг эрта белгилари намоён бўлган гуруҳда эса – 1,6 (1-жадвал).

ЁБМДнинг эрта белгилари намоён бўлган гуруҳда умумий уйқу артерияси ва ИУАнинг ўртача стенози мос равишда 34% ва 28%, неоваскуляр ЁБМД гуруҳида 62,5% ва 40%, географик атрофия гуруҳида 68% ва 40% ҳолларда учради. Шунинг таъкидлаш керакки, географик атрофия ва неоваскуляр ЁБМДда уйқу артерияларининг стеноз даражаси назорат ва эрта белгилари ЁБМД гуруҳларига солиштирилганда статистик аҳамиятли бўлиб чиқди.

1-жадвал

Турли клиник шакллардаги ЁБМД билан касалланган беморларда ИУА патологик букилишларининг учраш частотаси

Патологик букилишнинг шакллари	ЁБМД эрта белгилари (n=50)		Географик атрофия (n=25)		Неоваскуляр ЁБМД (n=40)		Назорат гуруҳи (n=30)	
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
С-симон	11	22,0	7	28,0	10	25,0	5	16,7
S-симон	9	18,0	5	20,0	8	20,0	3	10,0
Кинкинг	3	6,0	2	8,0	4	10,0	2	6,7
Койлинг	1	2,0	1	4,0	2	5,0	1	3,3
Кўшалок букилиш	-	0,0	1	4,0	-	0,0	-	0,0
Жами	24	48,0	16	64,0	24	60,0	11	36,7
χ^2 ; p*	0,57; 0,45		3,06; 0,08		2,86; 0,09		-	
OR** (95% CI)	1,6 (0,63-4,03)		3,1 (1,02-9,26)		2,6 (0,98-6,87)		-	

Изоҳ: * - назорат гуруҳининг маълумотларига солиштирилганда фарқларнинг аҳамиятлилик даражаси

** - назорат гуруҳи маълумотларига имкониятлар муносабати

Меъёр билан солиштирилганда ЁБМДнинг кечки белгилари намоён бўлган беморларда уйқу артерияларида қон оқими тезлиги пасайиши ва интима-медиа комплексининг ортиши статистик аҳамиятлилиги ($p < 0,05$ ёки $p < 0,01$) кузатилди, бу томир деворидаги атеросклеротик ўзгаришлардан далолат беради. ЁБМД эрта белгилари гуруҳида ҳам барча ҳолатда уйқу артериялари қон оқими гемодинамик кўрсаткичларининг пасайиши ўрин эгаллади, бироқ бунда биз статистик аҳамиятга эга бўлган ўзгаришларни кузатмадик.

Шундай қилиб, текширилган беморларнинг кўпчилигида уйқу артерияларининг патологик букилиши ва атеросклеротик зарарланиши аниқланди. Эҳтимол бу ўзгаришлар кўз томирларида қон айланишининг бузилишига олиб келса керак. Текширилаётган беморларда ИУА патологик букилиши (48-64%) ва уйқу артериялари атеросклеротик зарарланишининг (52-85%) юқори фоизлари ЁБМДнинг патогенезида ушбу омилнинг аҳамиятлилигини кўрсатади.

Кўз томирлари ва уйқу артерияларининг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш мақсадида биз ЁБМД билан касалланган беморларда уйқу артерияларининг ҳолатига қараб кўз гемодинамикасининг кўрсаткичларини таҳлил қилдик.

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики (2-жадвал), уйқу артерияларида ўзгаришлар бўлмаган гуруҳ маълумотларига солиштирилганда, уйқу артерияларида патологик ўзгаришлар бор бўлган гуруҳда кўзнинг барча текширилаётган томирларида гемодинамика кўрсаткичларининг аҳамиятли пасайиши ($p < 0,05$) аниқланди. Шуни таъкидлаш керакки, уйқу артерияларида стеноз бўлган гуруҳда стеноз йўқ гуруҳга солиштирилганда кўрсаткичларининг катта даражадаги фарқи ($p < 0,01$) кузатилди. Айниқса, кўз артерияси ва тўр парданинг марказий артериясида қон оқимининг систолик ва диастолик тезлигининг яққол ифодаланган статистик аҳамиятли пасайиши аниқланди. Бу уйқу артерияси ҳамда кўз томирлари гемодинамик кўрсаткичлари ўртасида тўғри (ижобий) корреляцион боғлиқлик борлигини кўрсатади.

2-жадвал

ЁБМДли беморларда уйқу артерияларининг ҳолатига боғлиқ ҳолда кўз гемодинамикасининг кўрсаткичлари

Кўз томирлари ва кўрсаткичлари	Уйқу артерияларининг ҳолати			
	Патологик букилишсиз (n=51)	Патологик букилиш билан (n=64)	Стенозсиз (n=46)	Стеноз билан (n=69)
Кўз артерияси				
Vsyst, см/с	33,1±0,66	27,1±0,75*	34,5±0,87	26,8±0,68**
Vdiast, см/с	6,8±0,15	4,5±0,14*	6,9±0,21	4,3±0,19**
RI	0,75±0,004	0,79±0,003	0,76±0,003	0,8±0,002*
Тўрпарда марказий артерияси				
Vsyst, см/с	12,6±0,08	7,8±0,11*	13,1±0,14	7,4±0,09**
Vdiast, см/с	3,2±0,11	1,8±0,05*	3,5±0,09	1,7±0,08**
RI	0,77±0,004	0,79±0,005	0,75±0,003	0,8±0,003*
Орқа калта цилиар артериялар				
Vsyst, см/с	14,3±1,12	10,5±1,1*	14,6±0,98	10,8±0,96*
Vdiast, см/с	4,9±0,1	3,5±0,11*	5,1±0,12	3,6±0,07*
RI	0,76±0,004	0,78±0,005	0,77±0,004	0,79±0,003

Изоҳ: * - патологик букилишсиз беморлар гуруҳининг маълумотлари билан қиёсланган аҳамиятлик даражаси ($p < 0,05$)

* - стенозсиз беморлар гуруҳининг маълумотлари билан қиёсланган аҳамиятлик даражаси ($p < 0,05$)

** - стенозсиз гуруҳининг маълумотлари билан қиёсланган аҳамиятлик даражаси ($p < 0,01$)

Гемодинамика маълумотлари бўйича кўз артериясида назорат гуруҳига нисбатан ЁБМДнинг ҳам эрта, ҳам кечки белгиларида қон оқими кўрсаткичлари аҳамиятли ёмонлашуви қайд қилинди ($p < 0,05$). Тўр парданинг марказий артериясида эса ЁБМД эрта белгиларида гемодинамик параметрлар меъёр доирасида бўлгани маълум бўлди. Аксинча, географик атрофияли ва ХНВли беморларида ўзгаришлар аҳамиятлилиги ($p < 0,001$) қайд этилди, бу эса жараён узок давом этган беморларда микроциркуляциянинг нафақат хориоидея

томирларида, балки тўрпарда томирларида бузилганлиги ҳақида далолат беради. Текширилган беморларнинг барчасида орқа қисқа цилиар артерияларда қон оқими тезлигининг статистик аҳамиятли пасайиши аниқланди. Бироқ ушбу кўрсаткичнинг кўпроқ ифодаланган пасайишини ЁБМДнинг бошланғич белгили ва ХНВли беморлар гуруҳида кузатдик ($p < 0,01$).

Шундай қилиб, ЁБМД кўз ишемик синдромининг бир кўриниши бўлиб, кўпинча уйқу артерияларининг зарарланиши фонида вужудга келиши ва бу ўз навбатида кўзнинг магистрал қон томирларида қон оқимининг етишмовчилигига олиб келиб, ушбу касалликнинг патогенезида гемодинамик омил роли муҳимлигини тасдиқлайди деб тахмин қилиш мумкин.

Диссертациянинг тўртинчи, “**Нозекссудатив ёшга боғлиқ макуляр дегенерацияни даволаш**” бобида нозекссудатив ЁБМД билан касалланган 75 нафар бемор (120 та кўз)нинг даволашдан олдинги ва кейинги комплекс офтальмологик текширув натижалари келтирилган (кузатув муддати 6 ойни ташкил қилди).

Максимал коррекцияли кўриш ўткирлиги ва статик периметрия текширувида барча беморларда кузатув гуруҳидагиларга нисбатан ушбу кўрсаткичларнинг бузилганлиги аниқланди.

Визиометрия ва статик периметрия натижалари (3-жадвал) бўйича асосий гуруҳда ЁБМД эрта белгиларида даволашдан 1 ой муддат ўтгандан кейин кўриш ўткирлигининг яхшиланиши аниқланди ($< 0,05$). Кузатувнинг 3-ойида энг юқори натижага эришилди ($< 0,05$). 6-ойда кўрсаткичларнинг бироз пасайиши кузатилди, лекин шунга қарамасдан кўрсаткичлар дастлабки даражадан бироз пасайган назорат гуруҳига нисбатан анча юқори эди ($< 0,05$).

3-жадвал

Нозекссудатив ЁБМД билан касалланган беморларда даволаш жараёнида кўриш ўткирлигининг ўзгариш динамикаси

Кузатув гуруҳлари	Кузатув муддатлари			
	Даволашгача	1 ойдан кейин	3 ойдан кейин	6 ойдан кейин
ЁБМДнинг эрта белгилари				
Назорат	0,72±0,02	0,77±0,02*	0,76±0,02	0,69±0,02
Асосий	0,72±0,02	0,78±0,02*	0,80±0,02***	0,76±0,02**
Географик атрофия				
Назорат	0,10±0,02	0,11±0,02	0,10±0,02	0,08±0,01
Асосий	0,11±0,01	0,13±0,01	0,14±0,02**	0,13±0,01**

Изоҳ: * - даволашгача бўлган давр билан қиёсланган аҳамиятлилик даражаси ($p < 0,05$)

** - даволашгача бўлган давр билан қиёсланган аҳамиятлилик даражаси ($p < 0,05$)

Географик атрофияли беморларнинг даволаш натижалари ЁБМДнинг эрта белгилари мавжуд бўлган беморлардан фарқ қилади. Беморларнинг ушбу гуруҳида кўриш фаолияти кўрсаткичларининг ўзгариш динамикасини барча ҳолатларда аҳамиятсиз ($p > 0,05$) характерга эгаллиги аниқланди. Бироқ, кўрсаткичларнинг назорат гуруҳига нисбатан асосий гуруҳда юқорироқ бўлганлигини қайд этдик.

Шундай қилиб, ноэксудатив ЁБМД билан касалланган беморларда медотилин препарати билан комплекс даволашда даво самараси кўриш фаолиятини яхшилаш борасида анъанавий даволаш усулига қараганда анча яққолроқ бўлди. Бизнинг фикримизча, бу медотилин препаратининг маҳаллий қон оқимида ижобий таъсири билан боғлиқ бўлиб, у маҳаллий қон айланиши ва фоторецепторларнинг функционал ҳолатининг яхшиланишига олиб келади. Динамик кузатиш натижасида медотилин препаратини қўллаш ЁБМД эрта белгилари бор бўлган беморларнинг 80%ида тўр парданинг функционал фаоллигига ижобий таъсир кўрсатиши ва географик атрофияли беморларда олти ой давомида жараённинг барқарорлашишига ёрдам бериши аниқланди. Олинган натижаларнинг барқарорлаштириш учун тавсия қилинган даво курсини ҳар ярим йилда такрорлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ноэксудатив ЁБМД билан касалланган беморларнинг барчасида макуляр ва ритмик ЭРГ кўрсаткичлари даволашгача меъёрий қийматлардан паст бўлган ($p < 0,001$). Назорат ва асосий гуруҳлардаги беморларни даволашдан 1 ойдан кейин ЭРГ кўрсаткичлари аҳамиятли даражада кўтарилди ($p < 0,05$). 3 ойдан кейин тадқиқот гуруҳларида ўртача кўрсаткичларнинг тафовути аниқланди: асосий гуруҳда кўрсаткичлар ўсишда давом этди ($p < 0,05$), назорат гуруҳида эса пасайиш кузатилди ($p > 0,05$). Кузатувнинг 6-ойи охирига келиб, кўрсаткичларнинг пасайиши аниқланди, бунда асосий гуруҳдаги кўрсаткичлар назорат гуруҳига солиштирилганда аҳамиятли даражада юқори ($p < 0,05$) бўлди.

Географик атрофияли беморларнинг асосий гуруҳида ЭРГ кўрсаткичларининг ижобий ўзгариш динамикаси кўз фаолиятининг кўрсаткичларидан фарқли ўлароқ барча кўзларда аниқланди. Кузатувнинг барча даврида тўлқинлар амплитудаларининг ўсиши ва латентлигининг қисқариши қайд қилинди ($p < 0,05$). Олти ойдан кейин ЭРГ кўрсаткичларининг ўртача қиймати бироз орқага қайтди, бироқ шунга қарамасдан дастлабки кўрсаткичларга нисбатан юқорилиги аниқланди. Назорат гуруҳида эса ЭРГнинг ижобий ўзгариш динамикаси фақат 28% ҳолларда қайд қилинди ($p > 0,05$) ва бор йўғи бир ойлик кузатув муддатида кузатилди холос. Олти ойдан кейин эса дастлабки кўрсаткичларга нисабатан паст бўлган салбий ўзгариш динамикаси қайд қилинди.

Шундай қилиб, тўрпарданинг макуляр зонасида ЭРГ кўрсаткичларининг медотилин препарати туфайли яхшиланиши ноэксудатив ЁБМДда тўрпарданинг марказий қисми функционал ҳолатнинг кучайишини акс эттирди. Бу эса медотилин препаратининг нейрон мембранасининг пластиклигига ва синаптик трансмиссияга ижобий таъсири билан боғлиқ бўлиб, ўз навбатида нейронал тўрпарда хориокапилляр қават билан боғланишининг қисман тикланишига ёрдам беради ва фоторецепторларнинг фаолиятини кучайтиради.

Даволаш жараёнида кўз гемодинамикасини кузатиш натижасида куйидагилар аниқланди: ЁБМД нинг эрта белгилари бор бўлган беморларнинг барчасида даво курсидан кейин кўзнинг магистрал томирларида қон оқим ортиши кузатилди. Асосий гуруҳдаги беморларда гемодинамик кўрсаткичларнинг аҳамиятли ортиши кузатувнинг биринчи ойиданоқ қайд қилинди. Гемодинамиканинг максимал яхшиланиш чўққисини кузатувнинг учинчи ойида кузатдик ($p < 0,05$), сўнгра кузатувнинг олтинчи ойида унинг бироз пасайишини аниқладик ($p < 0,05$). Назорат гуруҳида кўрсаткичларнинг қисқа муддатли

яхшиланишини кузатув муддатининг биринчи ойида кузатдик ($p < 0,05$). Кейинги кузатувларда ушбу гуруҳда динамика салбий томонга ўзгарганлиги кузатилди ва олтинчи ойнинг охирида кўрсаткичларнинг дастлабки даражалардан пастлиги қайд қилинди ($p > 0,05$).

Географик атрофиясли беморларда кўз томирларининг гемодинамикаси ЁБМДнинг бошланғич белгиларидан биров фарқ қилди. Аҳамиятли натижалар кузатувнинг фақат учинчи ойидагина аниқланди ($p < 0,05$). Олтинчи ойда ушбу гуруҳдаги кўпчилик беморларда гемодинамик кўрсаткичларнинг орқага қайтиши аниқланди, бироқ бу ҳолатда дастлабки кўрсаткичлардан юқорироқ бўлганлиги қайд этилди. Назорат гуруҳидаги ўзгаришлар кўпчилик ҳолларда аҳамиятсиз характерга эга бўлди: кузатувнинг фақат биринчи ойида яхши томонга аҳамиятсиз силжиши аниқланди ($p > 0,05$). Олтинчи ойга келиб ушбу гуруҳда гемодинамик кўрсаткичларнинг дастлабки даражадан пасайганлиги аниқланди ($p > 0,05$).

Шундай қилиб, асосий гуруҳда кўз гемодинамикаси текширувининг натижалари тўрпарданинг функционал фаоллиги яхшиланганлигини кўрсатди, буни медотилин препарати билан даволагандан кейин хориоретинал қон оқими ва ретинал қон айланишининг қисман тикланиши ҳисобига олинган ижобий самара деб баҳолаш мумкин. Ўз навбатида магистрал кўз томирларида қон оқими кўрсаткичларининг яхшиланиши касаллик прогнози учун ижобий белги ҳисобланади. Шунини таъкидлаш керакки, медотилин препарати билан ўтказилган даво курсидан кейин кўриш ўткирлигининг яхшиланиши ва компьютерли периметрия кўрсаткичларининг ижобий натижалари гемодинамика ва ЭРГ кўрсаткичларининг яхшиланиши билан ўзаро корреляцияланди. Шу сабабдан, ноэкссудатив ЁБМДда медотилин препаратини қўллаш асосли ҳисобланиб дистрофик жараённинг кучайишини олдини олиш чораси сифатида тавсия қилиниши мумкин.


Диссертациянинг бешинчи, **“Экссудатив ёшга боғлиқ макуляр дегенерацияни даволаш жараёнида клиник-иктисодий самарадорликни ва беморларнинг ҳаёт тарзи сифатини баҳолаш”** бобида экссудатив ЁБМД билан касалланган беморларнинг даводан олдинги ва кейинги текширув натижаларининг қиёсий таҳлили келтирилган. Кузатув муддати 12 ойни ташкил қилди.

Турли хил типдаги ХНВли беморлар тўрпардасининг марказий қисми морфофункционал кўрсаткичларига ТТТ таъсири натижаларининг таҳлили бир ойдан кейин барча беморларда кўриш ўткирлигининг яхшиланганлигини кўрсатди ($p < 0,05$) ва кузатувнинг учинчи ойигача барқарор ҳолатда сақланиб қолди. Кузатувнинг олтинчи ойида ва ундан кейин классик ва аралаш ХНВ гуруҳида неоваскуляр мембрана (НВМ)нинг ўсиши давом этиши ҳисобига кўриш ўткирлигининг пасайиши аниқланди ($p > 0,05$), яширин ХНВ гуруҳида эса бу ҳолат нисбатан юқориликча қолди.

Классик ва аралаш ХНВда ТТТ фонида ОКТ текшируви ўтказилганда (3-расм) НВМ майдони ва тўрпарда умумий профилининг морфофункционал кўрсаткичлари яхшиланиши кузатувнинг учинчи ойигача ижобий ўзгариш динамикаси аниқланди ($p < 0,05$). Кейинчалик ХНВ ўсишининг фаоллашуви ҳисобига тўрпарда марказий қисми қалинлигининг ортиши кузатилди ($p > 0,05$).

Яширин ХНВ гуруҳида морфологик кўрсаткичларнинг куйидаги динамикаси кузатилди: ТТТдан уч ойдан кейин НВМнинг қалинлиги каби тўр парда умумий профилининг ҳам аҳамиятли камайиши аниқланди ($p < 0,01$). Статистик аҳамиятли

фарқ қилиши ($p < 0,05$) кузатувнинг олтинчи ойигача давом этди. Фақат йилнинг охирига келиб беморларнинг ушбу гуруҳида ХНВ ўсишининг фаоллашуви ҳисобига ОКТ кўрсаткичларининг ёмонлашиши аниқланди.



3-расм. ОКТ маълумотлари бўйича тадқиқот гуруҳларида ХНВ калинлигининг ўзгариш динамикаси

Текширилаётган гуруҳларда ФАГ маълумотлари асосида даволашга нисбатан бир неча турдаги жавобни қайд қилдик. Шундай қилиб, кузатувнинг биринчи ойида классик ва аралаш ХНВда НВМнинг тўлиқ инактивацияси беморларнинг 33,3% ида, қисман инактивация 46,7% ида ва салбий натижа 20% ида қайд этилди. Яширин ХНВда 46,7% ҳолларда НВМ инактивацияси ва 53,3% ҳолатда жараён барқарорлашишига эришилди. ХНВ ўсиши ҳеч бир ҳолатда кузатилмади. Олти ойдан кейин эса НВМ ўсиши классик ХНВда 40%, аралаш ХНВ билан 33,3%, ўн икки ойдан кейин эса мос равишда 46,7% ва 40% гача ортди. Кузатувнинг ушбу муддатларида НВМ ўсишини яширин ХНВда ҳам (олти ойдан кейин 13,3% ва ўн икки ойдан кейин 26,7%) аниқладик. Лекин ХНВ тўлиқ инактивацияланган беморлар улуши аввалгидек қолди – 53,3%.

Шундай қилиб, ўтказилган текширув шуни кўрсатдики, экссудатив ЁБМДда ТТТни қўллаш ўн икки ойлик кузатув ичида классик ва аралаш типдаги ХНВли беморларнинг атиги 20%ида ижобий самара бериб, 35-40%ида эса патологик жараённи барқарорлаштиришга олиб келади. Яширин ХНВда 53,3% ҳолатда неоваскуляризациянинг тўлиқ орқага қайтишига ва беморларнинг 20%ида тўрпарда интрааретинал шишининг камайишига олиб келади.

Биз олган маълумотлар шуни кўрсатдики, ТТТ самарасини кучайтириш ва чўзиш учун фаннинг замонавий ютуқлари ва ангиогенез ингибитори

препаратларининг истиқболли гуруҳини қўллаган ҳолда даволашга такомиллашган ёндашувни ишлаб чиқиш каби қўшимча тадбирлар зарур.

